

**ҚАБУЛ ВА РАД ҚИЛИШ ЖИҲАТИДАН ОҶОД ХАБАРЛАРНИНГ
ҚИСМЛАРИ. ЗАИФ ҲАДИС**

Мустафоев Абубакр Муҳиддин ўғли
Халқаро Ислоҳ Академияси “Ислоҳи муносолик
ва ислоҳ цивилизациясини ўрганиш ICESCO”
кафедраси таянч докторанти
mustafoev.abubakr@bk.ru

Аннотация. Мазкур мақолада қабул ва рад қилиш жиҳатидан оҳод хабарлар қисмларидан бири бўлмиш “заиф ҳадис” ҳақида, унинг тушунчаси, моҳияти, тузилиши ва ушбу ҳадиснинг тавсифи ҳақида сўз юритилган. Шунингдек заиф ҳадиснинг турлари, заиф ҳадисга амал қилишнинг шартлари далиллар асосида таҳлил қилинган ва фақиҳ олимлар томонидан билдирилган фикрлар асосида унинг шарий жиҳатлари атрофлича ёритиб берилган. Бундан ташқари фазилатли амалларда заиф ҳадисга амал қилиш борасида уламоларнинг иттифоқи ва бу борада уларнинг қавллари келтирилган.

Калит сўз: заиф, енгил заиф, ўта заиф, мункар, шозз, мавзу ҳадис, мутобеъ, шоҳид.

Abstract. This article talks about "weak hadith", which is one of the parts of good news in terms of acceptance and rejection, its concept, essence, structure and description of this hadith. Also, the types of weak hadith, the conditions for following a weak hadith are analyzed based on the evidence, and its Shariah aspects are explained in detail based on the opinions expressed by jurists. In addition, the consensus of the scholars regarding the implementation of the weak hadith in virtuous actions and their opinions in this regard are given.

Key words: weak, mildly weak, extremely weak, munkar, shazz, topic hadith, mutabe', witness.

Аннотация. В данной статье говорится о «слабом хадисе», который является одной из частей благой вести с точки зрения принятия и неприятия, его понятии, сущности, структуре и описании этого хадиса. Также анализируются типы слабых хадисов, условия следования слабому хадису на основе доказательств, а его шариатские аспекты подробно объясняются на основе мнений, высказанных правоведами. Кроме того, приводится консенсус ученых относительно применения слабых хадисов в добродетельных поступках и их мнения по этому поводу.

Ключевые слова: слабый, умеренно слабый, крайне слабый, мункар, шазз, топик хадис, мутабе, свидетель.

Заиф - луғатда қувватнинг зидди булиб, кучсиз¹ деган маънони англатади.

Истилоҳда туруқлари кўп бўлган ва унинг заифлик сабаби ровийнинг

¹ Абу Бакр Розий. Мухтор ус-сихох. 325-б.

фосиқлиги ва ёлғончилигидан келиб чиқмаган ҳадислардир.²

Икки тоифа - муҳаддислар ва фуқаҳолар заиф ҳадиснинг таърифида мувофиқ бўлишлари мумкин, лекин уни татбиқ қилишда фарқланадилар. Масалан, юқорида сизга баъзи тафсилотларини баён қилганимиздек, муҳаддисларнинг наздида машҳур бўлган шоз ва иллат омиллари усулийларнинг наздида ҳа- дисни заиф қиладиган сабаблардан эмас³.

Заиф ҳадис уч мартабага бўлинади:

Биринчи мартаба: «енгил заиф ҳадис». Бу турга мавзу ва жуда заиф бўлган ҳадислардан бошқа барча заиф ҳадислар киради. Мана шу қисм ташқи унсур билан қувватлана оладиган ҳадислардир⁴.

Мисол: Имом Термизий ривоят қилиб, уни ҳасан деб айтган ҳадис. Бу ҳадисни Термизий Шўба йўлидан ривоят қилганлар, у Осим ибн Убайдуллоҳдан, у эса Абдулоҳ ибн Амр ибн Робиъа, у эса отасидан ривоят қилди: «Бану Фазоралик бир аёл икки пойабзал эвазига турмушга чикди шунда Набий алаихиссалом. «Икки пойабзал эвазига рози бўлдингми?» дедилар. У аёл: «Ҳа», деди. Сўнг унга ижозат бердилар».⁵

Имом Термизий айтадилар: «Бу бобда Умар, Абу Ҳурайра, Саҳл ибн Саъд, Абу Саъийд, Анас, Оиша, Жобир ва Абу Ҳадрад Асламий розияллоху анҳулардан ҳадис ривоят қилинган».

Илова: Санадаги Осим ибн Убайдуллоҳнинг хотираси ёмонлиги учун у киши заиф ҳисобланади. Бу ҳадис бошқа йўлдан ҳам келганлиги учун имом Термизий уни ҳасан деганлар.⁶

Иккинчи мартаба: «ўта заиф ҳадис». Бу турга санадида хотираси жуда ёмон ёки ёлғон билан айбланган, ёхуд матрук ровий бўлган ҳадислар ҳамда мункар ва шоз ҳадислар киради.

Мункар деб, заиф ровийнинг ривояти мақбул ровийларга хилоф тарзда ривоят қилган ҳадисига айтилади.

Шоз ҳадис деб эса ривояти мақбул ровийнинг ўзидан кучлироқ ровийга хилоф тарзда ривоят қилган ҳадисига айтилади.

Мисол: Ҳофиз ибн Ҳажар айтадилар: «Бу ўринда «Ким умматим учун қирқта ҳадис ёдласа...»⁷ ҳадисини мисол келтириши мумкин».

Илова: Бу ҳадиснинг туруқлари кўп бўлишига қарамай, Имом Нававий унинг заифлиги борасида ҳофиз уламоларнинг иттифоқларини нақл қилганлар.

Учинчи мартаба: «мавзу (тўқима) ҳадис».

«Мавзуъ ҳадис» деб матни нотаниш бўлган ҳолда санадида каззоб ровий бўлган ёки хабарнинг уйдирма эканининг аломати кўриниб турган хабарга айтилади.

² Ибн Ҳажар Аскалоний. Нузхатун назар фи тавзиҳи нухбатул фикар. Дар Ибн Касир. –Байрут.: 2008 54-б.

³ Абдул Мажид Жузажоний. Вазиз фи усул ал-ҳадис. Мактабату Зоҳид кавсар. –Истанбул.: 2021 46-б.

⁴ Саховий. Фатҳ улхмуғийс. 1-том, 83-б.

⁵ Имом Термизий. Сунани Термизий. 1113- ҳадис

⁶ Абдул Мажид Жузажоний. Вазиз фи усул ал-ҳадис. Мактабату Зоҳид кавсар. –Истанбул.: 2021 46-б.

⁷ Ибн Абдул Барр. Жомии баян ул-илм. 1-том, 128-б.

Мисол: «Ошқозон — касалликлар уяси, парҳез — давонинг боши».⁸

Татбиқ: Бу гапни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат бериш дуруст бўлмайди. Балки бу араб табиби Ибн Каладанинг гапидир.

Заиф ҳадисга амал қилишнинг шартлари:

Ҳофиз Саховий айтадилар: «Шайхимиз Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳнинг «Заиф ҳадисга амал қилишнинг шартлари учтадир», деганларини бир неча бор эшитдим ва уларни ўзлари менга ёзиб берганлар. Улар:

1. Заифлик жуда кучли бўлмаслиги;
2. Бирор умумий (динда зарурат деб билинган шаръий) қоида остига киритилган бўлиши;
3. Унга амал қилиш пайтида унинг Набий алайҳиссаломдан аниқ собит эканига эътиқод қилмаслик».⁹

Ибн Обидийн айтадилар: «Заиф ҳадисга амал қилишнинг шarti ҳадис ўта даражада заиф бўлмаслигидир».

«Мутобеъ» ва «шоҳид» деб аталувчи ривоятлар билан қувватланадиган заиф ҳадис. Бу турдаги заиф ҳадислар «ҳасан лиғойриҳи» мартабасига кўтарила олади. Уларнинг «ҳасан лиғойриҳи» даражасига кўтарилиш шarti ҳадис йўли жуда заиф бўлмай, уни «мутобеъ» ёки «шоҳид» ривоятлар қувватлаши керак. Ҳадис ўта заиф бўлмаслигининг маъноси шуки, унинг турли туруқларидаги ровийларнинг заифлиги уларнинг ростгўйлик ёки диндорлик борасидаги айбларидан эмас, балки заифлик уларнинг ҳифзлари кучсизлигидан келиб чиққан бўлади.

Муҳаддислар наздида қувватлана оладиган заиф ҳадис

Ҳофиз Ибн Ҳажар уни бешта қисмга бўлганлар:

1. Ровийнинг ҳифзи ёмонлиги;
2. Ровий ҳадисларни ажрата олмай, аралаштириб юбориши;
3. Ровийнинг ҳолати номаълум бўлиши;
4. Ровий ҳадисларни «мурсал» ҳолда ривоят қилиши;
5. Ровий тадлис қилиши ва санадда тушириб юборилган ровий номаълум бўлиши.¹⁰

«Мутобеъ» ва «шоҳид» деб аталувчи ривоятлар билан қувватлана олмайдиган заиф ҳадис. Бу турдаги ҳадисларнинг заифлиги ровий ёлғон билан айблангани ёки ривоятларида хатоси кўп бўлгани ёки унинг ҳадиси шоз ёхуд мункар бўлгани сабабидан келиб чиқади. Агар ҳадис шу кўринишда бўлса, унинг йўллари ҳар қанча кўп бўлмасин, у бу йўллар сабабли қувватланмайди. Аксинча, ёлғон ва фискада айбланган ровийлар ёлғиз ҳолда ривоят қилганлари учун заифлик устига заифлиги ортади ва бирор-бир сиқа ровий ривоят қилиб, ҳадиснинг қувватини кўтармаган бўлади, натижада бундай ҳадиснинг заиф экани янада таъкидланади.

Гоҳида саҳих ҳадисни қўйиб, заиф ҳадисга амал қилишнинг баёни.

⁸ Мулла Али Қори. Ал-Маснуъ. 1-том, 172-б

⁹ Саховий. Қовл ул-бадийъ. 255-б.

¹⁰ Абдул Мажид Жузажоний. Вазиз фи усул ал-ҳадис. Мактабату Зоҳид кавсар. –Истанбул.: 2021 48-б.

Баъзи инсонлар ҳанафий усулийлар, бир-биридан фарқ қилишига қарамай, заиф ҳадисга амал қилиш ва саҳиҳ ҳадисни тарк қилиш орасини мувофиқлаштириш учун тузган мезонлари бузилган, деб ўйлаб қолишган. Бир қарашда бу мезон ақлга терс ва танқидга лойикдир. Ахир қандай қилиб саҳиҳни тарк қилиб, заиф мукқаддам қилинади? Лекин у одам агар ҳанафий усулчиларнинг каломига диққат билан разм солса, унга кўрган нарсасининг хилофи аён бўлади. Чунки ҳанафийлар санаднинг саҳиҳлиги ва матннинг шозлик ёки иллатдан саломатлиги билан кифояланмайдилар, балки уларнинг наздида ҳадисга амал қилиш учун бу шартлар билан бирга яна бир қанча шартлар ҳам топилиши керак.

Фазилатли амалларда заиф ҳадисга амал қилиш борасида иттифоқ. Камол ибн Хумом айтадилар: «Мавзуъ бўлмаган заиф ҳадисга фазилатли амалларда амал қилинади».¹¹

Ибн Обидиннинг хошияларида шундай дейилади: «Фазилатли амалларда...», яъни солиҳ амаллардан келиб чиқувчи фазилатларга эришиш учун».¹²

Мулла Алий Қорий айтадилар: «Барча комил уламоларнинг наздида заиф ҳадис фазилатли ишларда мўътабардир».¹³

Ибн Ҳажар Ҳайтамийнинг «Фатволар» китобида шундай дейилган: «Дарҳақиқат, заиф, мурсал, мунқотей, муъзол, мавқуф ҳадисларга фазилатли ишларда амал қилиниши собитдир».

Ромлийнинг «Фатволар»ида: «Нававий ўзларининг бир неча китобларида, хусусан, фазилатли ва шунга ўхшаш ишларда заиф ҳадисга амал қилинишига аҳли ҳадиснинг ижмоъларини зикр қилганлар».¹⁴

Имом Нававий айтадилар: «Заиф ҳадисга ҳаром ва ҳалолдан бошқа фазилатли ишларда амал қилинишига уламоларнинг иттифоқини такдим қилдик».

Мухим қўшимча маълумот. Аллома муҳаддис шайх Абдулфаттоҳ Абу Ғудда «Зуфруд Аманий» китобига ёзган таълиқотларида шундай дейдилар: «Мутақаддим муҳаддис имомлар ўзларининг китобларида заиф ҳадисларни амал қилиш ва далил учун келтирардилар. Бугунги кунда баъзилар даъво қилганидек, заиф ҳадислардан ўзларини олиб қочмас ёки уларни инкор қилинадиган ва тарк қилинадиган ха- барлардан деб билмасдилар».

Ҳофиз Имом Абдулбарр «Тамҳид» китобида заиф санадли ҳадисни келтириб, ортидан шундай деидилар: «Бу санадда заифлик бор, у ҳужжатликка ярамайди. Аммо уни танитиш учун зикр қилдик. Гарчи заиф ҳадис ҳужжат қилишга ярамаса ҳам, у инкор қилинмайди. Гоҳида исноди заиф бўлган ҳадиснинг маъноси саҳиҳ бўлиши мумкин».¹⁵

¹¹ Ибн Хумом. Фатҳ ул-қодийр. 4-том, 383-б.

¹² Алоуддин Ҳаскофий. Родд ул-мухтор. 1-том, 128-б.

¹³ Лакнавий. Ажвобат ул-фозила. 36-б.

¹⁴ Ибн Хумом. Фатҳ ул-қодийр. 4-том, 383-б.

¹⁵ Абдул Мажид Жузажоний. Вазиз фи усул ал-ҳадис. Мактабату Зоҳид кавсар. –Истанбул.: 2021 49-б.

Шайх Абу Ғудда айтадилар: «Ҳижрат диёри имоми, ҳадисда мўминларнинг амири бўлмиш Имом Молик фикҳ ва динда манба ҳисобланувчи «Муваддо» китоб-ларида «балоғат» туркумидаги ҳадисларни ҳам тарк қилмадилар. Имом Молик бу китобларида Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан муттасил бўлган ҳа-дислар билан бирга «балоғат» ҳадисларини ҳам ривоят қилганлар ва бундай «балоғат» ҳадисларининг орасида собит бўлмаган кўплаб заиф ҳадислар мавжуд. У зот ўзларининг китобларида саҳиҳ ҳадисларнинг ёнида заиф ҳадисларни ҳам тарк этмай, уларни зикр қилдилар.

У зотга шогирдларининг шогирди Имом Бухорий эргашди. Дарҳақиқат, Имом Бухорий ўзларининг «Жомеъус-саҳиҳ» китобларида саҳиҳликни лозим тутди-лар. Шу билан бирга, китобда «муаллақот»ларни келтириб ўтдилар. Ҳаммага маълумки, бу «муаллақот»ларнинг орасида қувватли ва заиф хабарлар бор. Чунки бу «муаллақот»лар бобга нур бағишлаб, бобдаги асл саҳиҳ ҳадиснинг фаҳмини тўлдириб, ҳадиснинг мақсади-ю, далолатини янада ёритиб беради.

Имом Бухорий ўз китобларида саҳиҳдикни лозим тутиш билан бирга, заиф ва муаллақот ҳадисларни ҳам келтириб ўтдилар.

Имом Молик, Аҳмад, Бухорий ва уларнинг табақаларидаги уламолар диннинг пешқадамларидир. «Матрук» ва ўта даражада заиф бўлмаган ҳадисларни инкор қилиш аввалги муҳад дисларнинг йўлларида оғиш ҳисобланади. Чунки уларнинг йўлидан тойиб, «Бу умматнинг охири аввалини лаънатлаши...» ҳадисидаги хатарли ишга тушиб қолмайлик. Зеро, бу зотлар йўлбошчи ва ўртак олиндиған зотлар ҳисобланади. Аллоҳ улардан рози бўлсин, уларни дин ва суннат номидан яхшилик ила мукофотласин, Аллоҳнинг Ўзи ҳидоят ва тўғрилиқ соҳибидир!

Бизнинг асримизда баъзи инсонлар «Тўрт сунан» китобларидаги ҳадисларни саралаш ва мазкур китоб-ларнинг муаллифлари ёзиб қолдирган хабарларнинг ярмини рад қилишга мафтун бўлиб қолган. Ваҳоланки, ушбу китобларнинг муаллифлари буюк имомлар бўлиб, улар суннат омонатдорлари, унинг ҳимоячи-лари ва ёрдамчилари ҳамда унга даъват этувчи зот-лардир. Бу китоблар асрлар мобайнида авлоддан ав-лодга ўтиб, сақланиб келмоқда. Охирги асрларда бир тоифа кишилар ёмон бидъатга асос солишди, салафи солиҳларни жоҳилга чиқаришди ва ушбу буюк китоблар билан алоқаларни узишди. Улар биз яхши иш Қилдик, деб ўйлашади. Аслида эса уларнинг бу ишлари нақадар ёмон!

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Аввома “Фақиҳ имомлар ихтилофида ҳадиси шарифнинг ўрни” асари (Таржимон Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳилол нашр. – Т.: 2018).
2. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Т.: Шарқ, 2011
3. Абдул Мажид Жузажоний. Вазиз фи усул ал-ҳадис. Мактабату Зоҳид кавсар. –Истанбул.: 2021

4. Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳатун назар фи тавзиҳи нухбатул фикар. Дар Ибн Касир. –Байрут.: 2008
5. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): тарих фанлари доктори... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
6. Абдулмажид Туркмоний. Диросат фи усул ал-ҳадис ала манҳажил ҳанафий. Дар Ибн Касир. –Байрут.: 2020
7. Абдулмажид Туркмоний. Ал мадҳал фи усул ал-ҳадис ала манҳажил ҳанафий. Дар Ар-Райоҳийн. – Урдун.: 2021